Кейинчалик Роки Мауетин қурилмасида саноат синови ўтказиладиган қурилманинг аппарат жиҳози бўйича асосий маълумотлар абсорбер ички диаметри 76,2 см билан ва 20-10 клапин тарелкаси билан эритмани узатиш нуқтаси – 20,16 ва 12 тарелкасини ишчи босим – 15 атмосфера (атм) айланма ҳаракат қилувчииялайдиган ҳажми – 13,6м³/соат. Укарсол 111 ва HS 101 эритмалари 30-35% синалди. Водород сульфидни концентрацияси – 0,55-0,78% ҳажми, CO₂ – 9-12% ҳажми. Абсорбент HS 101 CO₂ ни 56,4% тозаланган газ билан сакраши Укарсол 111 – 72%, яъни ютувчанлиги 35,8% паст HS 101 га нисбатан тозаланган (қайта тикланган) эритмаси Укарсол 111 температураси 37,8⁰С дан то 34⁰С га пасайиб CO₂ 72% дан 78,8% гача

тозалаш сифатида эса $5,6 \text{ мг/м}^3$ га сакраш кўтарилади. Инноватор 111 абсорбент самарадорлигида тозаланган эритмани $37,8 - 40^\circ\text{C}$ маълум даражадаги температура таъсири кузатилмайди. Абсорбент Укарсол Инноватор 111 изчиллиги мустаҳкамдир ва чуқур тозалаш талаб этилмайди. Шундай қилиб лаборатория ва ишлаб чиқариш синови тасдиқлайдики, Укарсол 111 МДЭА га солиштирилганда маълум даражада юқори самарадорлиги билан таъминлайди. Укарсол – Le – 701 энг юқори ютувчи хоссасига эга. Унда реакция температураси паст бўлиб, тез регенерацияга учрайди. Укарсол – Le – 701 нинг буғ босимининг пастлиги абсорбентни узок вақт ишлашга кам ейилиши таъминлайди. Энг самаралиси 80% сувли эритмаси бўлиб, у коррозияга чидамлидир. 80% ли сув эритманинг ва тоза абсорбентнинг айрим физикавийавий хоссалари келтирилган.

Тасдиқлашича, Укарсол – Le – 701 ўзини яхши жиҳатлари бу энергияни етарлича тежаши ҳисболанилади, қайнатгичда буғни кам харажатлигига мослаштирилгани, айланма ҳаракат қилувчиияни кичрайтирилган ҳажмидан эритмани энергиясини кам харажат бўлишига мослаштирилган[18,19].

Қўшимча маълумотлар “Юнион Карбайд” фирмасининг савда вакиллари талабига муофиқ тақдим этилади.

АТОСНЕМ (4) фирмасида аминли абсорбент МДЭА LF шубҳасиз кизиқиш уйғотди. МДЭА LF – газларни олтингугурт тозалаш учун кам буғланадиган абсорбент, H_2S нисбатан фарқли ўлароқ ниҳоятда паст парланиш қобилятли ва юқори (селективлигидир) самарадорлигидир. Унга ютиш қобилятини тиклаш учун чуқур тозалаш талаб этилмайди. У тоза МДЭА билан ва бошқа абсорбентлар билан яхши бирикади, унинг асосида газларни ҳеч қандай нуқсонсиз ёки технологик жараённи тўхтатмасдан олтингугуртдан тозалаш системаси жорий этилади. МДЭА LF нинг афзаллигига яна агрессивлигини йўқлиги, десорберни иссиқликни кам миқдорда ишлатилишни киритиш мумкин, бу қурилмани ишга тушиш харажати тушишига олиб келади.

Американинг “Экссон” компанияси томонидан ишлаб чиқилган

реагентларнинг янги синфига катта умид қилинмоқда. Самарали абсорбентлар сифатида фазовий мураккаб аминлар ишлатилиши тақдим этилади, у капитал ва энергетик харажатни [20,21,22] маълум миқдорда тежаш билан таъминлайди. Водород сульфиддан юқори самара чиқаришини ўзига хослиги ушбу факторлар билан тушунтириладики мураккаб аминларни сақланиши тузилишга боғлиқ, CO_2 билан ўзаро таъсирида ёки бекарор карбамитлар ҳосил бўлади, ёки умуман уларни ҳосил бўлишига эга эмас [23-26].

Патентда [27] H_2S сорбент билан селектив тозалаш мураккаб иккиламчи диаминэфирлар асосида берилган. Уларнинг концентрацияси сув ёки эритувчи ишлатишдаги эритувчида 0,1-0,6 моль/литрни ташкил этиди. Абсорбцияни температураси 20-100⁰С, босими 0,3-133 кгс/см², абсорбент 1,2 бисэтан сифатида ишлатилиши мумкин. Ишлатилган эритмани регерацияси уни 50-170⁰ С гача 0,7-3,3 кгс/см² босимда қиздирилган шароитда ўтказилади. Эритмада кўшимча метилдиэтаноламинни, яна кўпикка қарши абсорб (антивспениватли) ва коррозия ингибиторини киритишни тавсия этилади.

“Экссон” фирмасини бошқа патентида абсорбент сифатида мураккаб аминларини таклиф этилади. Масалан, бис (тетраминалкил) ҳосиласи. Бундай вазиятда анча паст маблағ сарфлашва энергия сарфи, аминларни тозалаш одатий жараёнга нисбатан ҳисобга олинади. Регенерацияда буғ сарфи ва абсорбент айланма ҳаракат қилувчи сони, қоидага биноан 30-50% га кам.

[21] да “Экссон” компанияси орқали Батон Руж (США) шаҳрида Флексорб SE жараёнида фазовий-мураккаб аминлар ишлаб чиқариш синови ҳақида маълумотлар келтирилган. Жараён Клаус қурилмани думли газларни тозалаш учун қўлланилган, у МДЭА ни сувли эритмаси билан ишлашига мослаштирилган. Солиштириш базаси сифатида МДЭА эритмаси ишлатилди, унда қурилма тахминан уч ой ишлади. Кейинга икки ой мобайнида Флексорб SE эритмаси синови давом эттирилди. Ишлаб чиқариш синови кенг диопозонли шароитда ўтказилди, ортиқча юк, айланма ҳаракат қилувчи

абсорбенти сони, регенерация жуфти сони ўзгартирилди.

Синов жараёнида кўпик ҳосил бўлиш муаммоли бўлмайди, жиҳозларни коррозия (емирилиш) белгиларига дучор бўлмайди.

Жадвал- 1.31

Флексорб SE МДЭА таққослаш жараёни

Кўрсаткичлар	%МДЭА дан
Амин харажатлари	41
Буғ сарфи	51
Десорбер ўлчами: диаметр	69
Баландлиги	87
Сарф харажат	74
Бир йиллик эксплуатацион жараён	57

Реагентнинг ва энергиянинг шундай паст сарфланиши ишга тушириш сарфи 43% га пастга тушиб кетишига МДЭА ҳолатига солиштирилганда капитал харажат 26% га олиб келади. Аммо мавжуд жиҳозлар модификация даврида максимал тежамкорлик ютуқлари содир бўлади.

Фазовий тузилиши мураккаб аминларни мураккаблигидан ва уларни ишлаб чиқариш капитал сиғими технологиясини қимматлигини ҳисобга олиш лозимдир. Келтирилган илмий-техник информациядан келиб чиққан ҳолда, селектив ютувчанлик қўлланилган концепция кенг тарқалган деб топилди. Бу ҳудудда лаборатория ва тажриба ишлаб чиқариш қурилмаси завод шароитида ҳам янги кўрсаткичлар текширилади. Селектив ютувчанлик асосидаги технология уларни техникавий – экономик афзаллигини исбот қилди, электр-энергияни, буғни тежаш, абсорбентни қайтмасдан йўқотишни пасайиши капитал харажатни камайтириш, қатор бошқа технологик муаммоларни ечиш.

Ишлаб чиқаришда селектив (самарали) жараёнлар кам олтингугурт тозалаш учун анчагина кенг тарқалган усул. Унда H_2S / CO_2 ни ўзаро боғланиши маълум миқдорда кам бирлиги, ҳамда Клаус жараёнидаги чиқинди газларни тозалаш учун ҳам ишлатилади. Шу билан бирга таркибида олтингугурт тутган газларни юқори даражада тозалаш адабиёт

манбаларида кам ёритилган. Юқори даражада ютувчи моддалар кам ўрганилган, физикавий-кимёвий константалари, амалий маълумотлар, бу жараёнларни ечиш усуллари берилмаган. Кимёвий сорбентни эритма билан танлаб фойда келтириши асосида кинетик боғлиқлик ётганда, бунда ишлаб чиқариш абсорбентлари, ишчи тарелкаларни сони суюқлик газ контакти вақти ва бошқалар аниқ ҳисоб – китоб талаб этилади. Якунида, шуни таъкидлаш керакки самарали тозалашга бутун дунёда қизиқиш ошиб бормоқда. Шу билан бирга бирон бир абсорбент йўқки олтингугурт тозалашни барча қулай вариантларига эга эмас. Ҳар бир аниқ вазиятда газнинг таркибига боғлиқ бўлган ҳолда (H_2S / CO_2 ўзаро бирикуви, олтингугурт органик аралашмаси), газни тозалашга талаб, системасидаги босим ва бошқалар мос тушувчи ютувчини танлаш лозимдир. Шунинг учун олдин маълум бўлган ютувчидан ёки янги ишлаб чиқилган абсорбентларни йиғишни қидириш зарур ҳисобланади.



Газларни тозалашни абсорбцион методи газларни ва суюқликларни ҳар хил аралашмаларига асосланган. Абсорбцион жараёнлар ҳар хил белгилар бўйича синфлаштирилган. Уларни ютувчанликнинг физикавий-химиявий хусусиятлари боғлиқ бўлган ҳолда физикавий ва химиявий абсорбциялар жараёнига бўлиши мумкин. Бундай бўлиш шартлидир.

Физикавий абсорбция учун одатда сув ишлатилади, органик қоришмалар - электролитмаслар худди н – метилпирролидон, сульфолан, пропиленкарбонат, метанол ва бошқалар.

Химиявий абсорбция жараёнида газларни сорбентлар билан химиявий реакция содир этилади, улар сифатида кенг тарқалишга эга бўлган булар этаноламинлар – моноэтанолламин (МЭА) диэтанолламин (ДЭА), триэтанолламин (МДЭА ва бошқалар). Тозалашнинг бошқа жараёнлари ҳам қўлланилади, улар қуйидагилар, аммиакли, ишқор билан тозалаш.

Этанолламинларни табиий газни сувли эритма билан тозалаш хемосорбциявий типик жараёнидир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришда кенг тарқалган жараён билан юқори олтингугуртли газларни тозалашда ишлаб

чиқариш учун катта қизиқиш уйғотган. Шу вақтгача моноэтанолламин (МЭА) ва диэтанолламинни қўллаш тақдим этилган. Этанолламинли жараён кучсиз реакцияга (этанолламинга) ва кучсиз кислоталар ($\text{H}_2\text{S}/\text{CO}_2$) эритмаларидан туз олиш реакцияларига асосланган:



Бу қайтарилиш реакциясидир. Уларнинг тенглаштирилиши температурани бошқаришда силжиши мумкин. Бундан ташқари системани тенглаштириш баъзи таъсирларни кўрсатади, ҳамда кислотали газларни парциал босими ва бошқа факторлар. Контактлаштирилган температура одатда $25\text{-}50^\circ\text{C}$ ни ташкил этади. Бунда босим газни самарали амалга оширади. Кенг интервалда – атмосферадан чексизликкача тебранади ва маълум даражада 7 МПа га кўтарилади. Аминларни танлашда ҳар бир аниқ вазиятда диққат билан техник экономик текшириш ишларини ўтказиш керак.

Нозик газларни тозалаш қурилмаси учун диэтанолламин (ДЭА) ёки триэтанолламин (ТЭА) га нисбатан моноэтанолламин (МЭА) тўғри келади, чунки у анчагина кучли асос ва пастроқ молекуляр массага эга. МЭА ни диссоциацияланиш константаси 20°C да 5×10^{-5} га тенг 6×10^{-6} ДЭА учун 3×10^{-7} га тенг ТЭА ни диэтанолламин билан солиштирганда. кислотали газлар билан диссоциацияланиш константаси 1,7 марта кўп. МЭА га нисбатан реакция учун талаб этилади. Бундан ташқари МЭА жуда паст қайнаш нуқтаси, дистилляцияон тозалашга енгил дуч келади.

МЭА нинг камчилиги шундаки унинг буғларини енгиллиги ДЭА ёки ТЭА енгиллигидан анча кўп ва шунинг учун ҳам буғлантиришда уни йўқотиш юқори бўлиши мумкин. Бироқ юқори тарелкани сув билан ювиб тозалаш ёрдамида МЭА ни йўқотилиши камайиши мумкин. МЭА эритмаси ДЭА га нисбатан коррозияга активлиги хусусиятига кўпроқ эгадир.

ДЭА афзаллигига эритмаларни қайта ишлаш регенерацияси жараёнида кам энергия сарфланиши, қисман коррозияга активлигини киритиш мумкин, бу эритмаларни кўпроқ концентрланганини ишлатиш рухсат этилади. Уларни

тўйинган газлар билан кўпроқ кўйилади.

Табиий газ тозаланганда сўнг минимал миқдорда кислотали компонентларни сақлаши зарур. Карбонат ангидрид ва олтунгугуртли бирикма қурилма ва трубаларда коррозияга олиб келади. Олтингугурт бирикмаси ва уларни ёниши атроф муҳитни захарлайди (4)

Кислотали компонентлардан газларни тозалаш учун суюқлик жараёнлари қўлланилади. Суюқлик жараёнлари ва адсорбция тозалаш жараёнлари қўлланилади.

1. *Хемосорбция жараёнлари.* Бу гуруҳга кислотали компонентларни абсорбентлар билан химиявий таъсири афзаллигига асосланган, улардан кўпроғи аминлар ҳисобланилади: МЭА, ДЭА, ТЭА, МДЭА, диизопропанол-амин, дигликольамин [27]. Бу гуруҳга ишқорий тозалаш ва аминокислотали тозалаш жараёнларини ҳам киритиш мумкин.

2. *Абсорбция жараёнлари.* Бу шундай жараёнки, бунда кислотали компонентларни ажратиб олинган ютувчанлик абсорбциялар ёрдамида чиқариб олиш. Бу жараёнларда абсорбент сифатида N – метилперридон, пропиленкарбонат, трибэтилфосфат, ацетон, метанол ва бошқаларни қўллаш мумкин[28].

Бу жараёнлар кўп кислотали компонентлардан таркиб топган газлар учун самаралидир, чунки абсорбентларни ютувчанлик қобилияти кислотали газлар парциал босимига мутоносиблигидир.

3. *Бирлаштирилган жараёнлар.* Бу группага химиявий ва физикавий ютувчанлик бир вақтни ўзида аралашган ҳолда ишлатилиш жараёнлари киради. Бу жараёнлардан кўпроқ тарқалгани “Сульфинол” – бунда ютувчанлик сифатида сульфинол, диоксидтетрагидротиофенни бирон бир химиявий ютувчанлик билан бирикмасини ишлатилади. Химиявий ютувчанлик сифатида аминлар, биринчи навбатда диизопропанол-амин (ДИПА) қўлланилади. Кислотали компонентларни ютувчанлигининг барча усулларида селективлилик (самарадорлилик) химиявий ва юқори ҳароратга мослашиши, буғларини паст буғланиши, коррозияга активлиги камлиги,

юқори ютиш қобилияти ва углеводородларга химиявий инертлигига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари нархи ҳаммабоп ва кам захарли.

4. *Оксидланиш жараёнлари.* Бу жараёнлар водород сульфидни элементар олтингугуртга қайтмас алмашилишига асосланган. Бундай жараёнларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин “Джемарко - Ветрокок” ва “Стретфорд”.

Дастлабки жараёнда ютувчанлик сифатида ишқорий металлнинг маргумишли тузининг иссиқ эритмаси ишлатилади. H_2S ни ютувчанлик жараёни вақтида оддий олтингугуртгача қайтарилади. CO_2 га нисбатан бу жараён оддий циклик сорбцион жараён ҳисобланади. Жараёни асосий камчилиги ютувчанликнинг ишлатилишда юқори захарлилигидир. “Стретфорд”да жараён ютувчанлик сифатида сувли эритмалар натрий тузи антрахинондисульфокислотани икки шакли ишлатилади. Хемосорбцион жараёнида кислотали тузлардан табиий газни тозалаш учун фақат аминли жараёнлар ишлатилади.

Дунё амалиётида газларни тозалаш учун биринчи бўлиб амин қоришмасини ишлаб чиқаришда қўллашни ТЭА топди, жуда паст ютувчанлик қобилияти моно ва диэтанолламинни сиқиб чиқаради.

1.31-жадвалдаги маълумотлар моноэтанолламинни кўпроқ учувчанлик қобилиятига эга эканлигини кўрсатади. $75^{\circ}C$ буғнинг эластиклигида моно-, ди-, триэтанолламинни 25% ли эритмаси 0,40, 0,043, 0,039 мм рт.ст муофик ташкил этади. Этанолламинни концентрациясини ўсиши билан этанолламин эластиклиги ўсади.

1.4. МГҚИЗ МЧЖ да газни тозалаш

Заводда табиий газни икки оқимда тозаланади: кам олтингугуртли газни жойи (% ҳажмдан) иборат: H_2S – 0.3 – 0.4 ва CO_2 – 1.3 – 1.4 ва юқори олтингугуртли газларни ватани Ўртабулоқ ва Денгиз кўли, H_2S дан 6 та ва CO_2 дан 5% фоиздан иборат. МЭА эритмаларни кислотали газлар билан тўйиниш даражаси 0.5 – 0.6 моль/мольни ташкил этади, шу билан бирга H_2S – 0.20 – 0.25 моль/моль ютиш ҳисобидан CO_2 - 0.30 – 0.35 моль/моль ютиш

ҳисобига[29]. Битта даража водород сульфиддан 20 мг/м³ гача таъминлаш газни тозалашни таъминламайди. Иккинчи даражада газларни тозалашгача кадар 20 мг/м³ кўп бўлмаган водород сульфид таркибли газ олишга имкон беради.

Муборак ГҚИЗ да ДАЗ эритмали газларни тозалаш. Заводни ҳар бир навбатида тозалашни учта қурилмаси газларни тозалаш бўйича кислотали компонентлардан ҳар бири 5 млрд.м³ қувватли қурилмани ўз ичига олади. Бу қурилмалар бир хил унумдорлик билан иккита айнан ўхшаш линиядан иборат.

Тозалашга тушадиган газни ўртача таркиби. Жадвал-1.3.2.

Компонентлар	СН ₄	С ₂ Н ₆	С ₃ Н ₈	С ₄ Н ₁₀	С ₅ Н ₁₂	С _{6+в}	Н ₂	СО ₂	Н ₂ С
	85,75	3,45	1,32	0,77	0,20	0,04	5,93	0,49	2,05

Газ таркибида водород сульфиддан ташқари 500 мг/м³ гача меркаптанлар бўлади. Тозаланган абсорбер қурилмаси 25 икки томонлама ўтувчи тарелкалар билан таъминланган. Абсорберда улар икки томонлама оқимга тушувчи, кислотали компотентлар учун 25% фоизли сувли ДЭА эритмаси абсорберни ўртасидан тушади, (1чи тарелкага) 50⁰С температурада.

Юқори тарелкага 45⁰С температурада битта корпусга абсорбент билан сепаратор ўрнатилган. У ерда газдан суюқлик томчилари ажралиши содир бўлади.

Қурилмани нормал ишида ДЭА кило/моль кислотали газни 0.738 м³ ушлаб туриш лозим. Тозаланган газ қуритиш қурилмасига 5.7 – 5.9 МПа ли босимда ва 45⁰С температурада тушади. ДЭА тўйинган эритмадан абсорберни тубидан регенерацияга шамоллатгич орқали ўтади.

Тўйинган ДЭА регенерация блокининг асосий аппарати десорбер (D=3000 мм, n = 29м) ҳисобланилади. У 21 тўсиқли тарелкалар билан жиҳозланган. ДЭА нинг тўйинган эритмаси 19 чи тарелкага (пастдан санаганда) тушади.

Десорбердан аминли эритма буғлантиргичга тушади. У ерда 130⁰С да

киздирилади ва десорбери кубига, буғ сонига жўнатилади. Улар буғлатгичга тушади, ДЭА 0.14 кг/м^3 тенг туриши лозим, буғ босими 0.5 МПа ни ташкил этади.

Десорбер лойиҳа бўйича 0.24 МПа тартибида ишлаши лозим. Иъстемол температураси $100 - 109^\circ\text{C}$ колонканинг юқори ва паст температураси 130 ва 111°C дан кам. $t^\circ\text{C}$ га мос равишда Рекуператив иссиқлик алмашув қайта тикловчи амин $84 - 88^\circ\text{C}$ гача музлатилади, кейин ҳаво совутгичларидан ўтади ва 50°C дан юқори бўлмаган температура билан аминнинг бак сақлагичига тушади. Улардан сувли совутгичлар орқали абсорбернинг юқори тарелкага сиғиши учун уни узатади.

Десорбери юқори қисмидан чиқадиган, кислотали газлар ва сув буғлари ҳаво конденсаторларида ва сувли совутгичда совуйди. Кейин $40 - 45^\circ\text{C}$ температурада суғориш идишига келиб тушади.

Қайта тикловчи абсорбери температураси, абсорбер юқорига узатувчи, абсорбер газини температурасидан бир қанча паст. Бу кўнгилдагидек эмас. Чунки газни совуқроқ суюқлик билан контактида абсорбери юқори қисми оғир углеводородлар конденсацияси кўпик ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлади.

Бунга йўл қўймаслик учун қайта тикланган ДЭА эритмасини температурасини, абсорберга узатиладиган, абсорбер тозаланган газидан чиқадиган температурадан бир неча бор юқори градусга ушлаб туриш керак.

Регенирацияланган ДЭА эритмаси водород сульфидни 5 мг/м^3 [30,31] таркибли тозаланган газини олишни таъминлайди.

1.5. МЭА эритмаси билан кам олтингугуртли газларни тозалаш

Мингибоев ГПЗ га тушадиган газнинг таркиби 20 г/100 м^3 водород сульфидни ташкил этади. Заводда газдан H_2S ни озроқ миқдорда фойда чиқариш учун хемосорбция усули қўлланилади.

Ютувчи сифатида МЭА 10% ли эритмаси ишлатилади. $0,6 \text{ л/м}^3$ эритмани солиштирма харажати водород сульфидни ва CO_2 тозаланган газдаги қолдиқ миқдори $0,3$ ва $0,1 \text{ масс}\%$ га муофиқ таркиб топади. (1.3.1 расм). МЭА

эритмасини концентрацияси ўсиши билан бирга водород сульфиддан ва CO_2 тозалаш даражаси кўтарилади. Концентрация кўпроқ бўлган эритмани ишлатилганда газларни CO_2 дан анча чуқурроқ тозалашга эришиш мумкин. Бунинг учун қурилма жиҳозлари антикоррозияли бўлиши лозим. Тажриба шуни кўрсатадики, газларни тозалаш даражасида МЭА эритмасидаги икки оксид қолдиқ миқдори сезиларли таъсир кўрсатади.

Водород сульфиддан газни тозалаш МЭА 0,06 моль/моль даражада CO_2 тахминан 98% ларга етади, 0,18 моль/моль миқдорда бу рақам 87% гача пасаяди.

Аминлар билан газларни тозалаш қурилмаси асосий параметрларини аниқлаш. Кўпик ҳосил қилишни камайтириш учун тарелкалар ўртасидаги оралик 0,6 м кам бўлмаслиги керак.

Калоннадан чиқаётган тўйинган аминнинг температураси 49°C дан юқори бўлмаслиги керак. Бу температурани абсорбернинг иссиқлик балансидан аниқлаш мумкин.

H_2S ва МЭА реакцияда С ни аҳамияти анолик реакцияда С ни аҳамияти 1,91 га тенг ва 3.23 муофик.



МЭА эритмаси N – этилолдитокарбонил кислотаси тузи ҳосил бўлиши билан бирга катта миқдорда водород сульфидни ютиш қобилиятига эга. МЭА нинг карбонизация (CO_2 билан тўйинган эритма) эритмаси углерод сульфид абсорбция коэффицентини камайишига олиб келади.

Амин эритмасини кўпик ҳосил қилиши оғир углеводород аралашмасини келтириб чиқаради. Тозаланган газ билан абсорбер юзасига ёпишиб қоладиган, чанг, сульфидлар, темир, ёғловчи мойлар, ҳамда органик кислоталар тиосульфидлар бўлади. МЭА парчаланишидан чиққан бошқа маҳсулотларга қарши кўпик ҳосил қилиш аппарати сифатида Силиконов ёғи ва юқори t^0 да қайнайдиган спиртлар, масалан: амин спирти Родорсил ва бошқаларни ишлатиш мумкин. Бундан ташқари таркибий қисмлардан тозалашда карбонат калий ишқорни сувли эритмасини ишлатишни топдилар.

Аминларга солиштирганда ишқор эритмасини афзаллиги унинг актив

моддаларга нисбатан турғунлигидадир. Водородсульфид, CO_2 , олтингугурт ишлаб чиқариш бўйича қурилма схемасини содалаштириш имконини беради.

Ишқорнинг ўзаро таъсири.



Бу реакциялар экзотермикдир.

Оддий ва юқори температурада поташ сувли эритмаси газни тозалайди. Қумда содир бўлган тўйинган эритма регенирацияси шу қадар самаралики, бу жараён вакуумли усул деб номланади.

Иссиқ поташни ишлатилиши билан боғлиқ жараённинг ҳам қатор камчиликлари мавжуд.

-жараённи юқори температураси ва ишқорий муҳит углерод пулатни коррозиясини тезлаштиради.

-эритмада поташнинг миқдорини кўплиги бикарбонат қатнашган оҳак миқдорини кўпайтиради. Бу эса насосларнинг ишлаш ҳалқаларини бузилишига ва бошқаларга сабаб бўлади.

-эритмада поташ миқдорини камайиши энергия сарфини кўпайишига олиб келади [32].

-газларни тозалашда ютувчи физикавийавий фаол моддалар сифатида флюор, селекзол, пуризол, ректизол, эстасольван ва бошқа нейтрал органик бирикмалар ишлатилади, улар алоҳида, ҳамда таркибий қисмлар билан биргаликда ишлатилади.

Улар ҳаракати механизми физикавийавий абсорбцияларни кислотали газларни ютишига асосланган ва пропилен – карбонат, N – метил 2 – пирролидон, метанол абсорбатлар ишлатилишини афзаллиги билан ажралиб туради. Физикавий ютувчанлик компонентларига эфирлар моно ва полиэтиленгликоллар хизмат қилади. Уларга диэтиленгликолнинг диэтилэфери, триэтиленгликолнинг диэтил эфери мисол бўла олади.

Абсорбцион жараёнга “Селексол” жараёни аниқ мисол қилиб олиш мумкин.

Селексол жараёни. Бу жараёнга абсорбер сифатида полиэтиленгликольнинг диметил эфири (яъни селексол) хизмат қилади. Бунга абсорбен сифатида тоза ўзи ёки унга 5% ли сув қуйилган ҳолатда ҳам ишлатилади.


Эритувчи селексол секин – аста ўз таъсирини йўқотади. Уни ютувчанлик қобилитини камайтирмасдан 10 йил муддатгача ишлатиш мумкин.

Селексол коррозияга чидамли, заҳарли эмас, ёпишқоқлиги кам, қўшимча реакциялар содир бўлмайди. У 15⁰С температурадан паст градусда қотади ва ишловчи беришга қийин бўлган махсулотга айланади. Ютувчи моддалар масалан: пропилен карбонат N – метил пропиленларга нисбатан селексол паст буғланишга эга ва кўпик ҳосил бўлиши мойиллиги ундан кам.

Бу хусусиятлари таъсирида тозаланган газ билан селексолни йўқотиш ва регенерацияси кам миқдорда бўлади.

Селексол водород сульфидни карбонат ангидрид аралашмасига нисбатан юқори танловчанлик хоссасига эга. Селексолдаги H₂S нинг CO₂ эрувчанлик нисбати 7 МП босимда 15,6⁰С температурада 9,6:1 нисбатда бўлади. Идеал эритмадаги бу нисбат Раул қонунига мувофиқдир.

Турли хил компонентларни ва сувларини газни таркибидан тозалашда селексол асосий ролни бажаради.



Ректизол жараёни. Бу жараён бир вақтни ўзида H₂S, CO₂ ва органик бирикмалари тозалашда ишлатилади. Бу моддалар металллар билан абсорбирланади, айниқса қуйи температурада эса тўйинмаган эритмалардан улар осон ажралиб чиқаради.

CO₂ ва H₂S нинг металдаги эрувчанлигининг боғлиқлиги тур хил босим ва температурада 1.3.1 ва 1.3.2 расмда ва схемада кўрсатилганлар. Бунда кўришиб турибдики H₂S нинг металда эрувчанлиги CO₂ эрувчанлигига нисбатан юқори. Бу эса уларни мувоффақиятли ажратиш олишга ишлатилади.

CO₂ нинг метанолда бўлиши H₂S ни 10-15% эрувчанлигини камайтиради. Бу жараёни афзаллиги қуйидагилар: а) бошқа усулларга нисбатан, масалан: этаноламин абсорбцияларига энергияни солиштирма сарфини маълум даражада камайиши, б) CO₂ иштирокида олтингугуртли бирикмаларни юқори даражада тозалаш.

“Ректизол” жараёни ижобий сифатлари каторида жиддий камчиликларига ҳам эга: а) технологик схеманинг мураккаблиги, б) метанолни тозаланган газ билан кўп миқдорда йўқотилиши, в) метанолда углеводород газларни эрувчанлигининг (номақбуллиги) тўғри келмаслиги.

Берилган жараёни ижобий ва салбий сифатларини ҳисобга олиб, тозалаш схемасини танлашни кўриб чиқиш талаб этилади. Қачонки H₂S ни углеводород газларидан тозалаш билан бир қаторда турли хил олтингугуртли органик қўшимчалардан ҳам тозалашга тўғри келади [33].

Флюор” жараён. Тозалашни “Флюор” жараёни шу номли фирма томонидан ишлаб чиқарилган ва бу органик эритувчилар қўлланишга асосланган. Бундаги одатдаги температурада буғланиш паст бўлади. Абсорбент сифатида асосан пропилен карбонат қўлланилади, бироқ глицирин три – ацетат, буоксидиэтилен – гликольацетат ва метакситриэтиленгликоль ацетатларни ҳам қўлланишда патентлар олинган. Буларда энг мақбул ва кўп тарқалган пропиленкарбонатдир C₄H₄O₃ рангсиз суюқлик. Асосий хоссалари қуйида келтирилган [34].

“Флюор” жараёни асосий афзаллиги шундан иборатки, бунда кислотали газларни десорбцияси фақатгина босимни тушиши ҳисобидан содир этилади. Шунинг учун энергия асосан абсорбентни кўтарилиб тушишида сарфланади. Десорбцияни бундай усули кислотали компонентларнинг қуритилган газда фақатгина етарлича юқори буғ босимида амалга ошириш мумкин. Бир поғонали контактирланган тозалаш даражаси етарлича баланд эмас. Талаб этилган конденсацияга эга газни етказиш учун абсорбер қисмини иссиқ регенирация билан кўп поғонали тозалаш зарур, тозалашни охириги даражасига узатади.

Қурилмани техник – экономик анализлари “Флюор” жараёни тежамли эканлигини кўрсатади. Тежамлилиги шундаки кислотали газларни буғ босими дастлабки газда 0.2 – 0.4 МПа да ортади. Тозаланган газларда CO_2 маълум миқдорда қолади, олтингугурт боғланиш тўлгунча ажралиб чиқади.

Жараёни муҳим аҳамияти иссиқнинг кундалик сарфи (расм 1.1.3) [35].

Пуризол жараёни. Бу жараёнда абсорбер сифатида N – метилперролидон эрутувчи ишлатилади. Илгари оксидланган пролиз метани газдан ацетилин чиқариш учун қўлланилган. N – метилперролидон бутунлай сув билан аралашиб кетади, бу лозим бўлганда кислотали газлардан оддий сув билан ювиб унинг буғларини буғишга имкон беради. Ўзи билан бир қаторда CO_2 ва H_2S ва бошқа олтингугурт органик агрессив бирикмалар билан яхши эрийди. Бунда CO_2 ни эрувчанлиги 0.1 МПада – $3.95 \text{ м}^3/\text{м}^3$ 35°C температурада бўлади. H_2S учун экологик шароитда эрувчанлик 48,8 ва $25 \text{ м}^3/\text{м}^3$ га мувофиқ ташкил этади, яъни таркибда деярли кўп. Бошқа физикавий ютувчанлик N – метилперролидон углеводород газларни юқори эрувчанлик хусусиятига эга. Юқорида баён этилганлардан қўйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

- Барча вазиятларда кислотали газлардан табиий газни тозалашда абсорбцион – десорбцион жараён ишлатилади;

- Кўриб чиқилган технологияларда абсорбент бўлиб ингредиент билан этаноламин ҳисобланади;

- Амин эритмаларини оптимал концентрацияси 25 -40 % массали чегарада тебранади.

- энг самарали абсорбент 30 – 40 % МДЭА эритмада аниқланади.

МДЭА да ҳом – ашё газини тозалаш бу йўналишда кўриб чиқилмайди. Пиролиз этиленини ишлаб чиқариш учун, этан олиш учун ишлатилади.

I боб бўйича хулоса

1. Магистрлик диссертациясида адабиётларни ўрганиш орқали табиий газни кислотали газлардан тозалашда аминли абсорбентларни солиштириш орқали метилдиэтанолламинни самарали эканлиги аниқланди.

2. МДЕА ли композициянинг РН муҳити 10 дан юқори бўлгандагина абсорбент сувнинг миқдори 30% ни ташкил қилиши ва абсорбентнинг қовушқоқлиги етарли даражада бўлиши юқоридаги адабиётларни ўрганиш орқали аниқланди.

3. Газларнинг оқиш тезлиги ва суюқликнинг тарелкаларда тақсимланишига қараб тарелкали абсорберлар уч хил: пуфакли, кўпикли ингичка оқимли гидродинамик режимда ишлашини ўрганиб, кўпиклар юзага келишини ва кўпикланишни олдини олишда уларга керакли сирт фаол моддалар адабиётларни ўрганиш орқали аниқлади.

II Боб. ТАЖРИБА ҚИСМ

2.1. Мазкур кимёвий ютувчанликнинг селектив хусусиятларини ўрганиш ва таққослаш

Ушбу анализ амин эритмаларида йиғилган кислотали газлар йиғиндисини аниқлаш учун нисбатан аниқ, оддий усул билан топилади. Яхшилаб намуна олиш керак, чунки намуна олиш жараёнида кислотали газларни йўқотиш мумкин, айниқса тўйинган газлар намунасида. Намуна учун контейнерлар (уларни шишадан ёки полиэтиледан тайёрлаш лозим, агар металл ишлатилса H_2S билан ўзаро таъсирлашади, ёпиқ бўлиши лозим, чунки босим кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик керак, газни ажралиб чиқишини келишилган ҳолда. Ушбу усул эритмалар учун қўлланилмайди, у озод кальцинирланган содасидан таркиб топган. Термик барқарор аминлар тузи ушбу усулни [36,37] ўзгартириш йўли билан аниқланилади.

Намуналар ва реактивлар;

Стандарт 0,5 N ли калий гидроксид-КОН эритмаси, метанол;

1. Агар эритма лойқа бўлса, титрлашни охириги нуқтасини кўриш учун филтрлаб олиш лозим.

2. Қайта ишланган эритмани намунасини (қайнагунга қадар), CO_2 ва H_2S ни иложи борича тўлароқ десорбциялаш учун иссиқлик манбаи сифатида электр плиткасини ишлатиш мумкин. Бу қайта ишланган эритма лабораторияда назорат эталони сифатида лозим, бундан ташқари, у аминларни термик барқарор тузлари йиғиндисини аниқлаш учун ишлатилади.

3. 125 мл метанолни 250 мл мензуркага солиб у ерга аралаштиргични ташлаш зарур. Мензуркани метанол билан бирга магнит мешалкага қўйиб, мензуркага тоза электродни аралаштириб рН-метр ва магнит мешалкани элетр токига улаймиз.

4. Эритмани 0,5 N ли калий гидроксид КОН одатда 3^{-x} —. 4^{-x} етарли қўшиш йўли билан рН метр метанолни 11,2 гача келтириш лозим.

5. Томизгич ёрдамида аниқланиладиган моддадан 20 млгр қайта тиклаш

учун ва аниқланаётган эритма учун, 10 мл тўйинган эритма учун) мензуркага солинади. Бунда рН метр қўйи кўрсаткични беради, аниқланадиган ҳамма моддалар кўрсаткичлари ёзиб борилади. Олинган эритмани 0,5N ли КОН билан титрлаймиз, токи рН=11,2 бўлгунча. Бунда сарфланган КОН ҳажмини титрлаш ёрдамида аниқлаймиз.

6. 4-6 бандлардаги натижаларни ҳар бир натижа учун қайтарамиз. Стандарт эритмадан фарқи аниқланаётган эритманинг титрланиши (V_3) – тозаланган натижа (V_1)-тўйинган эритма (V_2)-тўйинган эритма ва регенирация қилинган кислотали газни ушлаб туриш критерияси ҳисобланади.

Кислотали газларни оғирлиги % ҳисобида;

1.Регенирация қилинган эритма кислотали газнинг % ҳисоби худди

$$\left[CO_2 = \frac{V_1}{W_1} - \frac{V_3}{W_3} \right] N \times 4,4$$

2.Тўйинган эритма кислотали газ % ҳисобида худди

$$\left[CO_2 = \frac{V_2}{W_2} - \frac{V_3}{W_3} \right] N \times 4,4$$

Бу ерда:

(V_1)- мл КОНнинг, регенирация қилинган эритмани титрлашга кетган сарфи.

(V_2)- мл КОНнинг тўйинган эритмани титрлашга кетган сарфи.

(V_3) – мл КОНнинг аниқланаётган намунани титрлашга кетган сарфи.

N- КОН стандарт эритмани нормаллиги.

W_1 – регенирация қилинган эритмани намунавий оғирлиги.

W_2 –тўйинган эритмани намуна оғирлиги.



W_3 – аниқланаётган эритмани намуна оғирлиги.

2.2. Алканоламинларни сувли эритмаси таркибидаги H_2S ни аниқлаш

Бу усул аминлар эритмасида H_2S ни миқдорини аниқлашда яхши натижа беради ва $Na_2S_2O_3$ ни стандарт эритмаси ёрдамида кислотали эритмани

титрлашга қўл келади.

Реакцияси:



Таҳлил хулосаси:

Бу билвосита усул таҳлили бўлиб, бунда моддани аниқлашда модда юқори босимдаги газ билан таъсирлашади. Ушбу реакция ёрдамида ажралган J_2 натрий тиосульфат билан таъсиршади. Шундай қилиб H_2S нинг молекулалар сонини ёд молекулалари сонига қараб аниқлаш мумкин.

Реактивлар:

- 0,1 N ли $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ ни стандарт эритмаси
- 0,1 N J_2 ни эритмаси
- Индикатор сифатида 1% ли крахмал эритмаси.
- Концентрланган HCl (50% 1/1 эритмаси)

Иш тартиби:

1. 250 мл ли Эрлинмеер колбасига томизгич ёрдамида 25мл 0,1 N ли J_2 эритмасидан соламиз. Унга 25 мл ли 1/1 нисбатда HCl дан қуямиз. Ҳосил бўлган эритмани магнит мешалкаси ёрдамида аралаштирамиз. Ҳосил бўлган эритмани тортиб оламиз.

2. Аниқланаётган моддани ёднинг ранги сариқ рангга ўтгунча аралаштириб турамиз. Юборилган аниқланиши керак бўлган намунани массасини ёзиб қўямиз. Колбага магнит мешалкасини тушириб, уни ишга тушираамиз. Тиосульфат ёрдамида қизил рангга ўтгунча титрлаймиз. (5-6 мл оралиғида) Унга 5мл крахмалдан қўшиб кўк ранг йўқолгунча титрлаймиз. Титрлашга кетган натрий тиосульфат ҳажмини ёзиб қўямиз. (2 ишга қаранг) Аниқ натижа олиш учун титрлашни такрорланг.

Ҳисоблашлар:

1.Бу ерда 0,17-м.в. H_2S /2 100 га бўлинган.

(V)- мл $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$, титрлаш учун сарфланган намуна.

W – намуна оғирлиги 25мл ишлатилган ёд ҳажми.

$$\frac{(\%H_2S)(4,29)}{\%весамина} = \text{моль}H_2S / \text{мольamina}$$

2. Кислотали газлар билан тўйинган (регенирлашган ёки тўйинган эритмалар); % аминни оғирлиги рН=4,5 титрлашгани [31] билан аниқланади.

2.3. Амин миқдорини титрлаш орқали завод эритмаларидан рН=4,5 гача аниқлаш

Ушбу усулда барча завод эритмаларини ишқорлиги амини бўлмаслигига асосланган. Хлорид аминни (рН=нейтрал) тузи тахминан рН=4,5 ва шу билан индикатор сифатида кўк бромфенолни танлашга асосланган. Жиҳозлар ва реактивлар;

Стандарт 0,5 N ли НС1

Индикатор бромфенол кўк.

Юқори сифатли рН метр комбинациялашган электрод билан.

Анализ тартиби

1. 250 мл ли мензуркага 95 мл дистилланган сувни қуйиш.

2. Мензуркага тахминан 5мл намунани қуйиш. Кўк бромфенолни бир неча томчисини қўшиб тўла-тўкис аралашиб кетгунича аралаштириб эритмани дўқилаш керак. 0,5 N ли НС1 эритмасини сариқ рангга бўягунгача ёки рН=4,5 гача рН-метр бўйича титрлаш керак. Кислота ҳажмини титрлашга ўтадиган вақтда ёзиб бориш керак.

Ҳисоблашда аминни оғирлиги бўйича миқдори % да.

Бу ерда:

(N)-- НС1 нинг нормадалиги;

(V)- мл НС1 нинг титрланган намунага кирадиган миқдори;

W₁ – намуна оғирлиги (гр).

Амин эритмаларини кўпик ҳосил қилиш қобилиятини аниқлаш.

Агар абсорбент эритмалари баъзи органик аралашмалар билан ифлосланса моддани қисман чамаланса, улар кўпик ҳосил бўлиш тенденциясига эга бўлади. Бу тенденция кўпик ҳосил бўладиган столба баландлигини ўлчаш йўли билан сифатли ўлчаб чиқилади.

Асбоблар: 1000 мл ёмкостли цилиндр; барбатирлаш учун пластинкали ва ойнали қувур, ҳисоблагич, ҳаво манбаи, секундамер.

Таҳлил тартиби:

1. Изопропанол билан шиша идишни ва барботивлаш учун қувурни ювиш ҳамда яхшилаб қуритиш керак.
2. 1000 мл цилиндрга синалган эритмадан 200 мл қуйиш керак.
3. Ҳаво узатишни (тахминан 4 л/мин.) барботаж қувур орқали яхшилаш, шундай қилиб 5 минут давомида даража ушлаб турилади.

Тушунтириш:

кўпик ҳосил қилиш қобилияти	кўпикни баландлиги
қисман	<50 мл
кучсиз	50-250 мл
ўрта	250-500 мл
юқори	>500 мл

Барботаж қувури шундай қурилган бўлиши керакки цилиндрни тагига қўл етсин.

Ҳавфлилик даражасини аниқлаш:

Газни зичлиги деганда уни ҳажмининг масса бирлиги тушунилади. Газни зичлиги газ пикнометрларида 100-300 мл сифими билан газ пикнометрининг охиргисидан газдан намуна олиш учун вакуум насос ёрдамида ҳаво сўриб олинади, шундан кейин пикнометр оғирлигини аналитик тарозида тортилади. Газ бюреткасига синалган газ сўриб олинади. Унинг ҳажмини, босимини, температурасини аниқ фиксир қилади ва бюреткани бўлагини бирлаштириб (тахминан газ дути билан) иккала кранни очиб бутун газни пикнометрга узатиб беради. Шундан кейин жумрак ёпилади. Кранлар беркитилади, пикнометр аналитик тарозида тортилади. Пикнометрни иккала кран билан ишлатаётганда уни газ билан тўлдирилади. Пикнометр қиздирилаётган газ билан газометрга бирлаштирилади. Иккала кранни очилади ва (а) - пикнометрни 6-10 марталик газ ҳамин билан пуфланади. Пуфлашни тугатгандан сўнг кранлар ёпилади. Газометрдан пикнометр ечиб олинади ва кран 3-4 марта буралади. Пикнометрдаги босим билан ҳаво босими солиштирилади. Шундан сўнг пикнометр аналитик

тарозида тортилади. Пикнометр ҳажми илгарироқ аниқланади, уни дистилланган сув билан тўлдириб уни градуриланган цилиндрга солинади.

$$\rho = \frac{a * 100k}{V}$$

Газни зичлиги формулада ҳисоблаб топилади.

$$d = \frac{\rho}{1.2928}$$

Бу ерда:

(V)- аниқланган газ ҳажми,мл.

(K)-нормал шароитга ўтказилган газ ҳажми.

(a)-V2 ҳажмдаги газ массаси.

Газнинг ҳавога нисбатан нисбий зичлиги бўлади, (a)- молекуляр массаси.

$$M = p V_m,$$

Бу ерда V_m , газнинг молекуляр ҳажми.

$$a'' = \frac{V_{p1} 273,2 * 0,000768}{\rho_0 (273,2 + t)},$$

Агар аниқлашда нам газ олинган бўлса формуладан фойдаланиб 1. L куруқ газни ҳисоблашда тузатиш киритиш лозим. Бу ерда P1-ош тузи эритмаси устидаги буғнинг босими аниқ температурада 0,000768-масса 1мл нормал шароитдаги буғи Пикнометр ҳажмидаги куруқ газнинг массаси тенг

$$\rho_1 = \frac{a_1 100k_1}{V}$$

$$a_1 = a - a^1,$$

Пикнометр ҳажмидаги куруқ газ зичлигига тенг.

Бу ерда K1-нормал шароитда P2 босимда, $p - p^1$ га тенг газни ўтказиш коэффициенти.

2.4. Газ таркибидаги олтингурут бирикмаларини аниқлаш

Кўпинча газ таркибида олтингурут водород сульфид, олтингурут газлари кўринишида, таркибида олтингурут тутган бирикмалар кўринишида учрайди.

$$x = \frac{34 * T * a}{254},$$

Газдаги водород сульфидни миқдорини аниқлаш мумкин. Ўювчи калий эритмаси иштирокида ва ажралиб чиққан хлорид кислота олтингугурт тузларини ҳосил қилади ва водород сульфид ёд эритмаси билан титрлаб аниқланади. Водород сульфидни миқдорини аниқлаш. Ушбу усул ёрдамида навбатдагиларга йўл очилади.Текшириладиган газ ютувчи мослама орқали ўтказилади. 10% ли ўювчи калийни 100 мл эритмаси орқали 130-150 мл/мин тезлик билан газнинг ўтишини газометр орқали аниқланади, (а)- ўювчи калий газ эса сувга солиб склянка билан қўшиб ювилади. Колбада йиғилган эритма 10% ли хлорид кислота билан нейтралланади,кислотали реакция бўлгунча ва эритма ҳаво рангга бўялади. Водород сульфид миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади.

Бу ерда:

- 34- водород сульфид массаси;
- T-ёд эритмасининг титри;
- (а)- водород сульфидга кетган ёд миқдори (мл);
- 254-ёднинг молекуляр массаси.

Газ таркибидаги водород сульфиднинг миқдорини % ҳажмида қуйидагича аниқланади;

Бу ерда:

- (к)-газнинг нормал шароитга ўтиш коэффиценти;
- (V)-газ намунасининг ҳажми.

Газ таркибидаги олтингугуртнинг умумий миқдорини асбобда лампали усул ёрдамида аниқланади. Текшириладиган газ газометрда ёндириш мақсадида горелкага жўнатилади. (4)Бу горелка лампали шиша (3) склянка орқали калий пермаганат $KMnO_4$ эритмасидан ўтади. Сульфидли газ маҳсулотларини ёнишидан ажралиб чиқаётган газлар абсорберга тушади. Абсорбернинг 1/3 қисми шиша маржон билан тўлдирилган.Бундан ташқари унга 20 мл 0,3% ли натрий карбонат эритмаси солинган ва уни устига 20 мл

дистилланган сув кўшилган. Газ таркибидаги олтингугурт қуйидаги формула орқали аниқланади;

Бу ерда:

$-a_1-0,05$ N ли хлорид кислота эритмасининг абсорбердаги миқдори, титрлаш вақтида сарфланган;

$-a_2 - 0,05$ N ли хлорид кислотанинг абсорбердаги миқдори, ютувчи эритманинг титрлашга сарфланган миқдори;

$-0,0008$ -олтингугуртнинг 1 мл $0,05$ N эритмаси учун миқдори;

$V - 760$ мм симоб устуни ($101,325$ кПа) ва 20°C , м^3 .

2.5. Газ тозалаш қурилмасининг тавсифномаси ва уларни анализ қилиш усуллари


МГҚИЗ МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойихага муофиқ лаборатория қурилмаси тайёрланди ва шунга ўхшашлари таъмирланди. Лойихадаги кичкина фарқ олинган натижаларга айтарли даражада таъсир этмади. Турли хил кўринишдаги спирал орқали эритма тушганида газ ва суюқлик ўртасидаги таъсир бу қурилмада бир хил эмас. Бу эса ўша абсорбернинг селектив ҳоссасига эга эканлигидан далолат беради.

CO_2 нинг сўндирилишидаги тезлигини лаборатория қурилмаси лойихаси асосида аниқлаш. (2.1.-расмида тасвирланган). Қурилманинг ишчи элементи абсорбер (5) ҳисобланади. Унинг ичида диаметри 2 мм ли зангламайдиган трубкадан бўлган спирал жойлаштирилган. Ундан юқоридан пастга қараб ютувчи модда оқиб тушади. Ютувчининг оқиш тезлиги капилляр (9) да аниқланади ва босимли склянкада (6) юқори тезликда, склянка (2) орқали абсорбер расходомер (4) орқали баллон билан бирлашган. CO_2 билан суюқлик манометри ёрдамида ўтказилган системада музлатилган босим ва сув тўлдирилган бўлади. Спиралдаги ютувчи пастга оқиб тушади. Кейин гидрозатвор орқали ўлчамли цилиндр (7) га узатилади. Бунда спирални юқори қисми намланади, унда CO_2 ва ютувчининг реакцияси содир бўлади. Агрессив компонентлардан газларни тозалаш жараёнида абсорбцияли активлашган этаноламин эритмаларини қидиришни лабора-

тория қурилмаларида ўтказамиз. Абсорбери аниқланилаётган эритмаси абсорбер (1) га узатилади. У орқали тозаланаётган газ барботаж қилинади. Тозаланаётган газ абсорбер юқори қисмидан сеператорга (2) келиб тушади. У ерда олиб кетадиган абсорбент эритмасини ажратиб чиқаради ва абсорберга қайтади. Газ сеператоридан кейин газ ҳисоблагич (3) орқали ўтади ва факельда (6) ёнади. Нордон таркибга эга бўлган тўйинган абсорбент эритмаси ўз ҳолича десорберга (4) тушади. У ерда термостат (8) ёрдамида талаб этилган ҳарорат ушлаб турилади. Ажралиб чиққан кислотали газлар десорбери юқорисидан конденсатор (5) орқали ўта туриб ишқорли ютувчиларга CO_2 ва H_2S тушади. Йиғилган конденсат конденсатордан десорберга қайта тушади. Десорбердан қайта ишланган эритма йиғич идишга (7) йиғилади ва такрорий циклга қайтади. Натижада абсорберда парчаланиш содир бўлади ва унга склянка (2) дан CO_2 тушади. Унинг тезлигини расходомер ёрдамида ёзиб борилади. Тажрибанинг давомийлигини цилиндрда (7) (одатда 10 см куб) топширилган эритма ҳажми тўлдирилган вақт билан, ёки топширилган тажрибани H_2S давомийлиги билан аниқланилади. Реактор ва босимли склянка иссиқликка чидамли.

Расм-2.1.

Активлашган этаноламинни синовдан ўтказиш учун лаборатория қурилмаси лойиҳаси



қурилмаларни белгилаш:

- | | |
|--------------------------------|--------------------|
| 1-абсорбер, | 2-сепаратор |
| 3-газ кўрсаткичини ҳисоблагич, | 4-десорбер, |
| 5-конденсатор, | 6-горелка, |
| 7-цилиндр, | 8-термостат, |
| 9-термопара, | 10-милливольтметр. |

Қурилманинг асосий тавсифи:

